

ILMIY-AMALIY JURNAL

Impact Factor: 5.394

ISSN 2181-0958

DOI 10.26739/2181-0958

YURISPRUDENSIYA

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENCE



7 JILD, 1

2026

YURISPRUDENSIYA

7 ЖИЛД, 1 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 7, НОМЕР 1

JURISPRUDENCE

VOLUME 7, ISSUE 1



Bosh muharrir:
Главный редактор:
Chief Editor:

SALAEV NODIRBEK
O'zbekiston Respublikasi Odil sudlov akademiyasi
professor, Yuridik fanlar doktori.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

RUSTAMBEKOV ISLAMBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti
Yuridik fanlar doktori, professor.

TAHRIRIY HAY'AT A'ZOLARI | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ |

Mas'ul kotib | Ответственный секретарь | Responsible secretary:

DAVRONOV ATOBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti jinoyat-protsessual huquqi kafedrasida o'qituvchisi,
PhD yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori.

KARIMOV FARHOD
Siyosiy fanlar doktori, dotsent,
A. Avloniy nomidagi
Malaka oshirish instituti prorektori;

BAZAROVA DILDORA
Toshkent davlat yuridik universiteti
yuridik fanlar doktori, professor;

IMOMOV NURILLO
Toshkent davlat yuridik universiteti fuqarolik huquqi
kafedrasida mudiri, yuridik fanlar doktori, professor;

KHAIRIEV NODIRJON
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
professori, yuridik fanlar doktori, dotsent;

NEMATOV JURABEK
Toshkent davlat yuridik universiteti
ma'muriy va moliyaviy huquq kafedrasida
dotsenti, yuridik fanlar doktori, dotsent;

ISMAILOV SHUKHRATJON
Toshkent davlat yuridik universiteti mehnat
huquqi kafedrasida mudiri, yuridik fanlar doktori;

KHABIBULLAEV DAVLATJON
Toshkent davlat yuridik universiteti fuqarolik
protsessual va xo'jalik protsessual huquqi kafedrasida
mudiri, yuridik fanlar nomzodi, professor;

OCHILOV KHASAN
Yuridik fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent;

IBROKHIMOV JAMSHID
Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD);

GAFUROVA NOZIMAKHON
Toshkent davlat yuridik universiteti xalqaro
huquq va inson huquqlari kafedrasida mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

NARZIEV OTABEK
Toshkent davlat yuridik universiteti xususiy
xalqaro huquq kafedrasida i.o. professori,
yuridik fanlar doktori;

MUSAEV BEKZOD
Toshkent davlat yuridik universiteti
konstitutsiyaviy huquq kafedrasida mudiri, yuridik fanlar
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

MURATAEV SERIKBEK
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti dotsenti,
yuridik fanlar nomzodi;

KAMALOVA DILDORA
Yuridik fanlar doktori, professor;

YUSUPOV SARDORBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti ma'muriy va
moliyaviy huquq kafedrasida mudiri, yuridik fanlar bo'yicha
falsafa doktori (PhD), yuridik fanlar doktori, dotsent;

KHUJAEVA SHOKHJAKHON
Toshkent davlat yuridik universiteti
intellektual mulk huquqi kafedrasida mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD);

CHORIEVA DILBAR
dotsent, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD).

Page Maker | Верстка | Sahifalovchi: Xurshid Mirzaxmedov

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Kiberjinoyatlarni huquqiy tartibga solish va intellektual mulk va mualliflik huquqini himoya qilishda prokuratura organlarining roli.....	5
Zaynabutdinov Said Axrorbek Ulug'bek o'g'li	
2. Haqiqatni aniqlash prinsipini takomillashtirish masalalari.....	20
Suyunboyev Ixom Oybek o'g'li	
3. Вояга етмаганлар пробацациясида давлат ва жамоат институтлари ҳамкорлиги.....	25
Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич	
4. Dalillarning maqbulligini ta'minlashda tanib olish uchun ko'rsatish tergov harakatining ahamiyati.....	35
Ummatov Muhammadrasul Tursunovich	
5. Oilani mustahkamlash asoslari.....	43
Chuboyeva Ozodaxon Kuvonbekovna	
6. International legal aspects of the development of the trans-afghan transport corridor.....	49
Muhammadjonov Xojiakbar A'zamjon O'g'li, Firuza Khamdamova	
7. Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг юридик табиати.....	63
Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович	
8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш этиш ва таъминлаш шакллари ва ўзига хос хусусиятлари.....	66
Якубов Мирзахид Турабаевич	
9. The Arbitration Agreement under Uzbek Law: Consent, Form, and the Limits of Party Autonomy.....	72
Nodirkhon Malikov	
10. Jamiyatda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda ijtimoiy va huquqiy normalarning o'rni.....	86
Abdullayeva Firuza Sharipovna	
11. O'zbekiston Respublikasida kompyuter texnologiyalari vositasida sodir etiladigan jinoyatlarni oldini olishning huquqiy jihatlari.....	95
Ibroximova Malikaxon Alijon qizi Farruh Tashev Muzaffarovich	

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ПРОБАЦИЯСИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20177955>

Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий
фанлар кафедраси профессори, с.ф.б.ф.д. (PhD), доцент, подполковник

Аннотация. Мақолада вояга етмаганлар билан ишлашда ювенал адлия ва пробация институтларининг ўзаро боғлиқлиги, миллий ва хорижий моделларнинг умумий хусусиятлари ҳамда ресоциализация ва реинтеграция механизмларининг амалий аҳамияти ёритилади. Шунингдек, жамоат институтлари иштирокини институционаллаштириш ва давлат ҳамда фуқаролик жамияти ҳамкорлигини такомиллаштириш йўналишлари асосланади.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарлик, ювенал адлия, пробация, ресоциализация, реинтеграция, институционал ҳамкорлик, фуқаролик жамияти, жамоатчилик назорати.

СОТРУДНИЧЕСТВО ГОСУДАРСТВЕННЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ В ПРОБАЦИИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич

Профессор кафедры специальных и профессиональных наук Института
повышения квалификации Министерства внутренних дел Республики
Узбекистан, доктор социальных наук (кандидат наук), доцент, подполковник

Аннотация. В статье раскрывается взаимосвязь институтов ювенальной юстиции и пробации при работе с несовершеннолетними, а также общие характеристики национальных и зарубежных моделей и практическое значение механизмов ресоциализации и реинтеграции. Кроме того, обосновываются

направления институционализации участия общественных институтов и совершенствования взаимодействия государства и гражданского общества.

Ключевые слова: несовершеннолетние, правонарушение, ювенальная юстиция, пробация, ресоциализация, реинтеграция, институциональное сотрудничество, гражданское общество, общественный контроль.

COOPERATION BETWEEN STATE AND PUBLIC INSTITUTIONS IN THE PROBATION OF MINORS

Abdijabbor Makhammadievich Abzhalov

Professor, Department of Specialized and Professional Sciences, Institute for Advanced Studies, Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Social Sciences (PhD), Associate Professor, Lieutenant Colonel

Abstract. The article examines the interconnection between the institutions of juvenile justice and probation in working with minors, as well as the common features of national and foreign models and the practical significance of resocialization and reintegration mechanisms. It also substantiates the directions for institutionalizing the participation of public institutions and improving cooperation between the state and civil society.

Keywords: minors, delinquency, juvenile justice, probation, resocialization, reintegration, institutional cooperation, civil society, public oversight.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни жамиятга мос равишда қайта ижтимоийлаштириш масаласи замонавий ҳуқуқий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда жазолашдан кўра тарбия, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий мослашувга қаратилган чора-тадбирлар устувор аҳамият касб этади. Айниқса, давлат органлари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ва оила институтининг ўзаро ҳамкорлиги самарали натижага эришишда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Шу боис вояга етмаганлар билан ишлаш тизимида инсонпарварлик, профилактика ва ижтимоий шериклик тамойилларини кучайтириш долзарб вазифалардан бири саналади.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ҳар қандай давлат учун муҳим ижтимоий-ҳуқуқий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу боис замонавий ҳуқуқий тизимларда вояга етмаганлар ишларини кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жамиятга мослашувини таъминлашга қаратилган махсус институтлар шакллантирилган. Хусусан, ювенал адлия тизими вояга етмаган шахсларнинг ишларини кўриб чиқишда умумий суд юритувидан фарқ қилувчи тартиб, босқич ва процессуал хусусиятларни назарда тутди ҳамда боланинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий аҳамият беради.

Ювенал адлия доирасида болаларга нисбатан жазолашдан кўра ҳимоя қилиш ва реабилитация чораларини қўллаш ғояси етакчи ўринни эгаллайди. Кўплаб давлатларда вояга етмаганлар ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилган бўлиб, улар болалар назоратсизлиги, ҳуқуқбузарликлар ва жиноят ишларини кўриб чиқади¹. Бундай ёндашув боланинг шахсий хусусиятлари, ёши ва ижтимоий муҳитини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш имконини беради. Шу билан бирга, болалар ҳуқуқларини камситиш ёки жазолашнинг ҳар қандай шаклидан ҳимоя қилиш давлатнинг муҳим мажбурияти сифатида эътироф этилади.

Вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳуқуқий сиёсатда пробация институти алоҳида аҳамият касб этади. Пробация жазони жамиятдан ажратмаган ҳолда ижро этиш, шахс устидан назорат ўрнатиш ҳамда уни ижтимоий реабилитация қилишга қаратилган чоралар мажмуини англатади. Халқаро амалиётда пробация кўпинча озодликдан маҳрум қилишга муқобил чора сифатида қўлланилиб, айниқса вояга етмаганларга нисбатан кенг тарқалган². Бу ёндашув изоляциянинг салбий психологик ва ижтимоий оқибатларини камайтириш, шу билан бирга такрорий жиноят содир этиш хавфини пасайтиришга хизмат қилади.

¹ Ф. Мируктамова Ювенальная юстиция в правовой практике некоторых зарубежных стран // Review of law sciences. 2017. №1.

² Давыденко В. М. Служба пробации как основа социальной реабилитации несовершеннолетних, находящихся в конфликте с уголовным законом // Ведомости УИС. 2011. №4 (107).

Қатор давлатларда пробация хизматлари мустақил институт сифатида шакллантирилиб, улар томонидан вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятларини ўрганиш, судга ахборот тақдим этиш, ижтимоий мослашувини таъминлаш ва назоратни амалга ошириш каби вазифалар бажарилади¹. Бундай тизимнинг мавжудлиги давлат томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмирларни қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Замонавий ҳуқуқий ривожланиш шароитида пробация назорати, ижтимоий реабилитация ва тарбиявий таъсир чораларини уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириладиган тизим сифатида намоён бўлмоқда. Миллий қонунчиликда ҳам пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш, уларда қонунга итоаткорлик хулқини шакллантириш ва ижтимоий мослашувини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар белгиланган².

Вояга етмаганлар пробациясининг миллий ва хорижий моделларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу институт турли давлатларда турлича ташкилий-ҳуқуқий шаклда ривожланган бўлса-да, унинг марказида давлат томонидан кўрсатиладиган тизимли ёрдам ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари туради. Айрим мамлакатларда пробация мустақил хизмат сифатида шаклланган бўлиб, у ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмирларнинг ижтимоий ҳолатини баҳолаш, уларга индивидуал дастурлар асосида ёрдам кўрсатиш ва жамиятга қайтиш жараёнини бошқариш вазифаларини бажаради³. Бундай ёндашув ўсмир шахсининг келгуси ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатади ҳамда такрорий ҳуқуқбузарлик хавфини камайтиришга хизмат қилади.

Хорижий амалиётда, айниқса Европа давлатларида, пробация хизматлари жазони ижро этиш тизимининг муҳим қисми сифатида фаолият юритади. Ушбу давлатларда озодликдан маҳрум қилишга боғлиқ бўлмаган санкциялар кенг

¹ Рябова О.А., Рябов П.Р. Пробация несовершеннолетних в рф // Аграрное и земельное право. 2024. №11 (239).

² Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2025 йил 20 августдаги “Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 3670-сонли буйруғи

³ Рябова О.А., Рябов П.Р. Пробация несовершеннолетних в рф // Аграрное и земельное право. 2024. №11 (239).

қўлланилиб, улар ижтимоий муҳит билан алоқани сақлаб қолган ҳолда тарбиявий таъсир кўрсатиш имконини беради. Масалан, Скандинавия мамлакатларида муқобил жазолар тизими кенг тарқалган бўлиб, бу ерда ўсмирларни изоляция қилиш самарали эмаслиги илмий ва амалий жиҳатдан асосланган¹. Шунинг учун пробация орқали назорат, маслаҳат ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари устувор аҳамият касб этади.

Айрим давлатларда пробация тизими махсус қонунчилик асосида босқичма-босқич шакллантирилган. Масалан, Россия Федерациясида сўнгги йилларда пробация соҳасини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив база яратилмоқда ҳамда ушбу тизим орқали ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмирларга комплекс ёрдам кўрсатиш мақсад қилинган. Бироқ ягона муассасавий механизмнинг тўлиқ шаклланмагани ресоциализация ва реинтеграция жараёнларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланади. Шу сабабли алоҳида пробация хизмати ташкил этиш ғояси илмий адабиётларда илгари сурилмоқда².

Пробациянинг самарали амал қилишида ресоциализация ва реинтеграция механизмлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараёнда шахснинг ижтимоий алоқаларини тиклаш, таълим ёки меҳнат фаолиятига жалб этиш, психологик қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий маслаҳат бериш каби чоралар муҳим ҳисобланади. Қатор мамлакатларда ушбу вазифалар давлат органлари томонидан марказлашган тарзда амалга оширилиб, ҳар бир ўсмир учун индивидуал ёндашув таъминланади³. Бундай тизим ижтимоий мослашувни тезлаштириш билан бирга жамият хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Миллий қонунчиликда ҳам пробация назоратини амалга ошириш, шахсни ҳисобга олиш, унинг хулқ-атвори устидан текширув ўтказиш ҳамда ижтимоий

¹ Давыденко В. М. Служба пробации как основа социальной реабилитации несовершеннолетних, находящихся в конфликте с уголовным законом // Ведомости УИС. 2011. №4 (107).

² Рябова О.А., Рябов П.Р. Пробация несовершеннолетних в рф // Аграрное и земельное право. 2024. №11 (239).

³ Давыденко В. М. Служба пробации как основа социальной реабилитации несовершеннолетних, находящихся в конфликте с уголовным законом // Ведомости УИС. 2011. №4 (107).

мослаштириш чораларини ташкил этиш тартиби белгилаб қўйилган¹. Бу эса пробацияни фақат назорат механизми эмас, балки тарбиявий ва ижтимоий-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш воситаси сифатида намоён этади. Шу тариқа миллий ва хорижий тажриба ўртасидаги умумийлик шундаки, пробация ўсмирларни жамият ҳаётига барқарор равишда қайтаришга хизмат қилувчи комплекс давлат тизими сифатида шаклланимуда.

Вояга етмаганлар пробациясида жамоат институтларининг иштироки ижтимоий таъсирнинг алоҳида йўналиши сифатида намоён бўлади. Амалда мазкур иштирок пробация фаолиятини фақат давлат органлари доирасида эмас, балки кенг жамоатчилик имкониятларига таянган ҳолда амалга оширишга хизмат қилади. Илмий адабиётларда таъкидланишича, пробацияни қўллаш жараёнида жамоат бирлашмалари иштирокини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, шунингдек уларнинг фаолияти шакллари аниқ белгилаш зарур ҳисобланади². Бу эса пробация субъектлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали тизим самарадорлигини ошириш имконини беради.

Жамоат институтлари иштироки, аввало, ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтиришга хизмат қилади. Нодавлат ноижорат ташкилотлари, диний ташкилотлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари пробация тадбирларини амалга оширишда маслаҳат, психологик ёрдам, маънавий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий йўналтириш каби вазифаларни бажариши мумкин.

Ижтимоий ҳамкорлик шакллари фақат ёрдам кўрсатиш билан чекланмайди, балки профилактик ва тарбиявий таъсирни кучайтиришга ҳам қаратилган бўлади. Жамоат институтлари иштирокида амалга ошириладиган тадбирлар шахснинг ижтимоий муҳит билан барқарор алоқаларини сақлаш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2025 йил 20 августдаги “Пробация назоратидаги шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 3670-сонли буйруғи

² Корольчук О.О. Участие общественных объединений в рамках пробацции, реализуемой в отношении несовершеннолетних осужденных // Право и управление. 2024. №1.

ижобий кадриятларини шакллантириш ва ҳуқуқий хулқ-атворини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундай ёндашувда жамоатчиликнинг тарбиявий имкониятлари давлат тизими имкониятларини тўлдирувчи омил сифатида намоён бўлади. Шу маънода, пробация доирасида жамоат институтларининг иштироки комплекс ижтимоий таъсир механизмини шакллантиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, жамоатчилик назорати институти пробация тизимида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу назорат тури пробация чораларининг қонунийлиги ва самарадорлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмирлар билан ишлаш жараёнида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлашга хизмат қилади. Илмий манбаларда қайд этилишича, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш пробация тизимини янада очиқ ва шаффоф қилишга ёрдам беради¹. Бу эса жамоат ишончини мустаҳкамлаш билан бирга профилактик самарадорликни ҳам оширади.

Хорижий тадқиқотларда ҳам жамоат институтлари иштирокининг ижобий натижалари қайд этилган. Хусусан, психологик ёрдам, ижтимоий мослашув ва маънавий тарбияга қаратилган дастурларни амалга оширишда жамоат ташкилотлари муҳим ўрин тутиши таъкидланади². Бундай тажриба жамоатчилик иштирокини институционал даражада қўллаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатади.

Умуман олганда, вояга етмаганлар пробациясида жамоат институтлари иштироки ижтимоий ҳамкорликнинг самарали модели сифатида намоён бўлиб, у пробация фаолиятининг ташкилий, тарбиявий ва назоратга оид жиҳатларини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантиришга хизмат қилади. Бундай ёндашув пробация тизимининг ижтимоий йўналтирилган мазмунини чуқурлаштиришга шароит яратади ҳамда унинг амалий самарадорлигини таъминлашга кўмаклашади.

¹ Корольчук О.О. Участие общественных объединений в рамках пробации, реализуемой в отношении несовершеннолетних осужденных // Право и управление. 2024. №1.

² Рябова О.А., Рябов П.Р. Пробация несовершеннолетних в рф // Аграрное и земельное право. 2024. №11 (239).

Давлат органлари ва фукаролик жамияти ўртасидаги институционал ҳамкорликни такомиллаштириш, аввало, “ким нима қилади?” деган саволга аниқ жавоб берувчи тизимий ечимлардан бошланади. Амалда кўпинча вазифалар умумий баён қилинади, бироқ масъул субъект, муддат, натижа кўрсаткичи ва ресурс манбалари аниқ белгиланмагани сабабли иш “сансолорлик” каби тус олади. Шунинг учун ҳамкорликни кучайтиришнинг биринчи йўналиши – вазифаларни институционал тақсимлаш, профилактика, назорат, реабилитация, таълимга қайтариш, ишга жойлаштириш, психологик ёрдам, медиатив ишлар каби блокларни алоҳида-алоҳида белгилаш ва ҳар бир блок учун масъул ташкилотлар кесимида регламент ишлаб чиқишдир. Бу нафақат такрорланишларни камайтиради, балки “бўшлиқ”ларни ҳам аниқ кўрсатади.

Иккинчи йўналиш – маълумотлар алмашинуви ва қарор қабул қилиш архитектурасини ягона тартибга солиш. Вояга етмаган шахсга оид иш юритишда (ижтимоий ҳолат, таълимдаги узилиш, оилавий муҳит, хавф омиллари, кўрсатилган хизматлар) маълумотлар турли идораларда парчаланган ҳолда сақланса, ҳамкорлик формал тус олади. Шу боис маълумотлар айланмаси (ягона электрон карта, хабар бериш протоколи, ахборот хавфсизлиги) ҳамда “кейинги қадам”ни белгилайдиган “ким қандай ҳолатда кимга мурожаат қилади, қандай ҳужжат билан, қайси муддатда ва қандай натижа билан” каби ишчи алгоритм зарур. Бунда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш талаблари алоҳида стандарт сифатида жорий қилиниши шарт.

Учинчи йўналиш – хизматлар сифатини баҳолаш ва ҳисобдорлик механизмини жорий этиш. Ҳамкорлик самараси “тадбир ўтказилди” деган ҳисобот билан эмас, балки ўлчанадиган натижалар (қайта мурожаатлар сони, таълимга қайтиш, меҳнатга жалб қилиш, интизомий талабларга риоя, оилавий муносабатларни барқарорлаштириш, психо-эмоционал ҳолат динамикаси каби кўрсаткичлар) билан баҳоланиши керак. Шу кўрсаткичлар асосида ҳар бир субъектнинг ҳиссаси баҳоланади, иш усули янгиланади ва ресурслар қайта тақсимланади. Бу ерда давлат ташкилотлари ҳам, нодавлат сектор ҳам “натижа учун жавоб бериш” тамойилида ишлаши керак.

Тўртинчи йўналиш – касбий кадрлар ва стандартлар. Институционал ҳамкорлик кўпинча шахсий ташаббусга боғлиқ бўлиб қолади, бир туман ишлайди, бошқаси ишламайди. Бунга чек қўйиш учун умумий касбий стандартлар, ўқув модуллари ва малака ошириш тизими керак. Бир хил терминология, бир хил иш юритиш маданияти, бир хил этик қоидалар ва хавфни баҳолаш воситалари шакллантирилса, идоралараро ҳамкорлик “тил топиш” муаммосини йўқотади.

Бешинчи йўналиш – молиялаштириш ва шартнома маданияти. Фуқаролик жамияти субъектлари кўп ҳолларда грант лойиҳаларга боғланиб қолади. Барқарор ҳамкорлик учун давлат ижтимоий буюртмаси, хизмат кўрсатиш шартномалари, “ваучер” модели ёки натижага боғланган молиялаштириш каби механизмлар амалиётга киритилиши мумкин. Бунда маблағ ажратишнинг очиқ мезонлари ва мустақил аудит тартиби муҳим.

Нихоят, ҳамкорликнинг энг муҳим шarti – ишонч ва шаффофлик. Ишонч ҳуқуқий чекловлар билан эмас, аниқ қоидалар, очиқ ҳисобот, мустақил мониторинг ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш воситалари билан мустаҳкамланади. Шу асосда давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги институционал ҳамкорлик “тадбирлар йиғиндиси”дан чиқиб, вояга етмаган шахс билан ишлашда узлуксиз, натижага йўналтирилган ва барқарор тизимга айланади.

YURISPRUDENSIYA

7 ЖИЛД, 1 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 7, НОМЕР 1

JURISPRUDENCE

VOLUME 7, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000